

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒУЛОМОВА ИРОДА БОТИРЖОНОВА

**ЛИМОН КИСЛОТАСИ АСОСИДАГИ АКРИЛ ПОЛИМЕРЛАР
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Гуломова Ирода Ботиржоновна

Лимон кислота асосидаги акрил полимерлар синтези
ва уларнинг хоссалари..... 3

Гулямова Ирода Ботиржоновна

Синтез акриловых полимеров на основе лимонной кислоты
и их свойства..... 21

Gulomova Iroda

Synthesis of acrylic polymers on the base of citric acid
and their properties..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛОМОВА ИРОДА БОТИРЖОНОВНА

**ЛИМОН КИСЛОТАСИ АСОСИДАГИ АКРИЛ ПОЛИМЕРЛАР
СИНТЕЗИ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/K54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳкамов Музаффар Абдуғаппорович
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Махмуд Муратович
кимё фанлари доктори

Бекназаров Хасан Сойибназарович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.K.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

О.Э. Зиядуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси к.ф.д., доцент

Г.Қ. Отамухамедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби к.ф.ф.д. (PhD)

А.С. Рафиков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда турли амалий масалаларни ҳал қилишда функционал полимерлар катта муваффақият билан қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам гидрофил хусусиятли янги функционал полимерларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқлаш бўйича изланишларга бўлган эътибор янада ортиб бормоқда. Ушбу полимерлар тиббиётда, фармакологияда, биотехнологияда, кишлоқ хўжалигида, тўқимачилик саноатида, атроф-муҳит муҳофазасида муваффақиятли қўлланилмоқда. Функционал полимерлар стимул-сезгир тизимлар яратишда, биотехнология ва нанотехнология соҳаларида ҳам катта истиқболга эга бўлиб, улар биологик фаол моддаларни иммобилизация қилиш ва улар асосида пролонгацияланган таъсирга эга бўлган терапевтик тизимлар яратишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда карбоксил гуруҳли мономерларни полимерланиш жараёнини бошқариш, олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини йўналтирилган равишда яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, уларни органик ва ноорганик бирикмалар билан таъсирлашув механизмини чуқурроқ ўрганиш, полиэлектrolит эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, жумладан, уларнинг қовушқоқлиги ва ионланишини аниқлаш, макромолекуляр терапевтик тизимлар олиш, каталитик хоссага эга бўлган металл нанозаррачалари тутган полимер гидрогеллар, полимер композициялар ва стимул-сезгир тизимлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги функционал полимер материаллар яратиш ва уларни импорт қилинувчи маҳсулотлар ўрнига амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилиб, турли ионитлар, доривор препаратлар, гидрогеллар, криогеллар ва бошқа материаллар олишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципаал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»¹ муҳим вазибалари белгилаб берилган. Бу борада карбоксил гуруҳга эга сувда эрувчан ва бўкувчан янги истиқболли функционал полимерларни олиш, уларнинг хоссалари ва фойдаланиш жабҳаларини аниқлаш ҳамда турли соҳаларда амалиётга татбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карбоксил гуруҳ тутган полиэлектролитларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш борасидаги дастлабки тадқиқотлар Н.Kuhn (АҚШ), А.Katzir-Katchalsky (Исроил) ва R.M.Fuoss (АҚШ) каби олимлар билан боғлиқ. В.А.Кабанов ва Д.А.Топчиев (Россия) биринчилардан бўлиб карбоксил гуруҳлари тутган мономерларнинг сувли эритмаларда полимерланишини тизимли равишда ўрганган олимлар ҳисобланишади. Полиэлектролит эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, жумладан, уларнинг қовушқоқлиги ва ионланишини ўрганишда S.A.Rice (АҚШ) ва M.Nagasawa (Япония) каби олимларнинг ҳиссалари бекиёс. Полиэлектролитларни қуйи ва юқори молекуляр бирикмалар билан комплекс ҳосил қилишини ўрганиш соҳасида акад. Е.А.Бектуров ва проф. Е.А.Кудайберганов (Қозоғистон) кенг кўламли тадқиқотлар олиб борганлар. Республикамизда табиий биологик фаол бирикмалар асосида сунъий мономерлар олиш ва уларни полимерланишини ўрганиш проф. У.Н.Мусаев томонидан биринчи бўлиб амалга оширилган, жумладан, биринчи бўлиб алколоидлар ва табиий оксикислоталар асосида сунъий мономерлар олинган, уларни полимерлаш ва сополимерлаш орқали хусусий биологик фаолликка эга полимерлар ҳамда пролонгацияланган таъсирга эга бўлган макромолекуляр терапевтик тизимлар яратилган. Ҳозирда ушбу йўналишда профессор М.Г. Мухамедиев раҳбарлигида тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Турли синтетик ва сунъий полиэлектролитлар синтези ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича академиклар Х.У.Усмонов, К.С.Ахмедов, С.Ш.Рашидова, М.А.Асқаров, А.С.Тураев, А.Т.Джалилов, Г.Р. Рахмонбердиев, профессорлар Т.М.Бабаев, Ф.А.Магруппов, А.А.Саримсоқов, У.К.Ахмедов, Х.И.Акбаров томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аввал оксикислоталар, жумладан, гликол ва сут кислоталари асосида сунъий мономерлар ва улар асосида полимерлар олинган. Лекин лимон кислотаси асосида мономерлар синтез қилиш ва уларнинг полимерланишини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Мазкур диссертация иши табиий бирикма лимон кислотаси асосида янги сунъий мономерлар синтези, уларнинг полимерланишини тадқиқ қилиш, олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш соҳаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-7-56 «Комбинирланган таъсирга эга стимул-сезгир композицион полимер геллар яратишнинг илмий асослари» (2012-2016 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва №ПЗ-20170925290 “Маҳаллий хомашёлар асосида ионитлар олиш ва уларни саноат чиқиндиларидан рангли ва камёб металлларни сорбциялашда қўллаш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лимон кислотаси асосида карбоксил гуруҳ тутган янги мономерлар ва полимерлар синтези ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лимон кислотаси асосида карбоксил гуруҳлари тутган янги мономерлар синтез қилиш;

синтез қилинган мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикасини ўрганиш ва унинг полимерланиш тезлигига турли омиллар таъсирини аниқлаш;

синтез қилинган мономерлар асосида чокланган тузилишга эга бўлган полимерлар олиш, уларнинг бўқиш қобилятини ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

синтез қилинган полимерлар сувли эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

олинган полимерларнинг турли қуйи молекуляр бирикмалар билан таъсирлашувини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида акриламидо-N-метилен- ва акриламидо-N-лимон кислоталари ҳамда улар асосида синтез қилинган чизиқли ва чокланган тузилишга эга полимерлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети лимон кислотаси асосидаги карбоксил гуруҳлар тутган мономерларнинг радикал полимерланиши, ҳосил бўлган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, ҳамда уларни турли қуйимолекуляр органик бирикмалар билан таъсирлашувининг физик-кимёвий параметрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. УБ-, хромато-масс- ва ИҚ-спектроскопия, гравиметрия, дилатометрия, вискозиметрия, потенциометрия ва бошқа замонавий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги мономерлар -акриламидо-N-метилен лимон ва акриламидо-N-лимон кислоталари синтез қилинган ва уларнинг тузилиши аниқланган;

синтез қилинган мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланишнинг асосий тенгламалари келтириб чиқарилган, полимерлар ҳосил бўлиш тезлигига эритма рН-қиймати ва ион кучи таъсир этиши исботланган;

илк бор полимерни вискозиметрия ва седиментация усуллари билан молекуляр массаларини ҳисоблаб топиш учун «K», «α» ва «S₀» қийматлари аниқланган;

синтез қилинган гидрогелларнинг сувли эритмаларда рН- ҳамда ҳарорат сезгир хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лимон кислотаси асосида карбоксил гуруҳи тутган янги сунъий функционал полимерлар синтезининг мақбул шароитлари аниқланган;

полимерни олиш, сақлаш, улардан фойдаланиш бўйича техник шартлари ишлаб чиқилган;

илк бор гидрогеллар сувли эритмалардан органик ва ноорганик бирикмаларни сорбция қилиш жараёнида самарали сорбентлар сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган физик-кимёвий усуллар ИҚ-, хроматомасс-спектроскопия, потенциометрик титрлаш ҳамда моддаларни идентификациялашнинг кимёвий усуллари ёрдамида фойдаланилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбоксил гуруҳлар тутган янги мономерлар синтези ва уларнинг радикал полимерланиш кинетикаси, лимон кислотаси асосида олинган янги сувда эрувчан ва бўкувчан стимул-сезгир, реакцион қобилиятли полимерлар олиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лимон кислотаси асосида сувда эрувчан ва бўкувчан янги полимерлар синтез қилинганлиги, олинган гидрогеллардан органик ва ноорганик моддаларни сорбентлари сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва ушбу гидрогеллар оқава сувлардан металл ионларини тозалашда амалий синовларидан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лимон кислотаси асосидаги карбоксил гуруҳ тутган янги функционал полимерлар ва полимер гидрогеллар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган натижалар асосида:

полиакриламидо-N-метилен лимон кислотасининг синтези учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 303377596-001:2020). Натижада, корхоналарда полимерни олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича стандарт шароитлар яратиш имконини берган;

полиакриламидо-N-метилен лимон кислотаси асосида олинган полимер гидрогеллар «Olmalıq kon-metallurgiya kombinati» АЖ амалиётига жорий этилган («Olmalıq kon-metallurgiya kombinati» АЖ корхонасининг 2020 йил 12 декабрдаги АС-08964-сон маълумотномаси). Натижада, техник оқава сувлардан мис (II) ионларини ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим қилиниб муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.¹


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Карбоксил гуруҳлар тутган функционал полимерлар синтезининг ўзига хослиги»** номли биринчи бобида карбоксил гуруҳ тутган мономерларнинг полимерланиш ва сополимерланишининг ўзига хос жиҳатлари, улар асосидаги чокланган полимерлар синтези ва улардан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Адабий маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган, улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


«Лимон кислотаси асосида мономерлар синтези ва уларнинг полимерланиш жараёнини тадқиқ қилиш» номли иккинчи бобда лимон кислотаси асосидаги янги мономерлар-акриламидо-N-метилен-лимон (AA-N-МЛК) ва акриламидо-N-лимон кислоталарининг (AA-N-ЛК) синтези ва уларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш жараёнини тадқиқ қилишга оид маълумотлар келтирилган.

Олинган мономерларнинг тузилиши элемент анализи, ИҚ-, хромато-масс-спектрофотометрия каби физик-кимёвий ҳамда кислота ва бром сонини аниқлаш каби кимёвий усуллар ёрдамида идентификация қилинган.




Акриламидо-N-метилен-лимон кислотаси (AA-N-МЛК)

¹ Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун кимё фанлари доктори, проф. М.Г.Мухамедиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.




Акриламидо-N-лимон кислотаси (AA-N-ЛК)

1- ва 2-расмларда AA-N-МЛК ва AA-N-ЛК мономерларнинг хромато-масс-спектрлари келтирилган.



1-расм. Акриламидо-N-метилен-лимон кислотасининг хромато-масс-спектри




2-расм. Акриламидо-N-лимон кислотасининг хромато-масс-спектри

1-расмдаги спектрдан кўриниб турибдики, AA-N-МЛКнинг молекуляр массаси 274,4 га тенг, бу модданинг назарий ҳисобланган молекуляр массаси эса 275 га тенг бўлиб, уларнинг қийматлари бир-бирига жуда яқин. 2-расмда


келтирилган АА-Н-ЛК спектрида модданинг молекуляр массаси 259,1 га тенг, бу ҳам мономернинг назарий ҳисобланган молекуляр массаси 260 га жуда яқин. Шундай қилиб, ҳар икки мономернинг назарий ҳисобланган ва хромато-масс-спектрофотометрия усули билан аниқланган молекуляр массалари бири-бирига жуда яқин бўлиб, улар орасидаги фарқ $\pm 0,5\%$ катта эмас. Шунингдек, ҳар икки мономерларнинг спектрларида молекуляр массаси 72,3 га тенг бўлган фрагментлар интенсив сигнал билан яққол ажралиб турганини кўриш мумкин. Мономерларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган ва ушбу молекуляр массага эга модда бу акрил кислотасига тўғри келади. Буни мономерларнинг таркибидаги -СО-НН- боғининг узилишида карбонил гуруҳида Мак-Лафферти қайта гуруҳланиши содир бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам парчаланиш маҳсулотларидан бири сифатида акрил кислотаси ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин.

АА-Н-МЛК ва АА-Н-ЛКнинг радикал полимерланиш кинетикасини тадқиқ қилиш сувли эритмаларда, 333 К ҳароратда, азо-изомой кислотасининг динитрилидан (АИКД) инициатор сифатида фойдаланиб амалга оширилди. 3-расмда АА-Н-ЛКнинг полимерланиш кинетикасига инициатор концентрацияси таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.



3-расм. АА-Н-ЛК конверсиясининг реакция давомийлиги (а) ва мономернинг полимерланиш тезлигини инициатор концентрациясига боғлиқлиги (б). 1, 2, 3, 4- инициатор концентрациялари мутаносиб ҳолда 6×10^{-3} ; $4,8 \times 10^{-3}$; $3,6 \times 10^{-3}$; $2,4 \times 10^{-3}$ моль/л. $[M]=0,38$ моль/л, $T=333$ К.

3-расмдан кўриниб турибдики, мономернинг сувли эритмада полимерланиш тезлиги инициатор концентрацияси ортиши билан ортиб бормоқда, ҳисоблашлар инициатор бўйича полимерланиш реакцияси тартиби $0,5 \pm 0,05$ га тенг эканлигини кўрсатди. Бу АА-Н-МЛКнинг тадқиқ қилинган шароитларда полимерланиш жараёнини гомоген тизимда кетаётгани ва ўсаётган занжирларнинг узилиши бимолекуляр механизм бўйича бораётганидан дарак беради. Тадқиқотлар АА-Н-МЛКнинг радикал полимерланишида ҳам инициатор бўйича полимерланиш реакцияси тартиби 0,5 га тенглигини кўрсатди. 4-расмда АА-Н-ЛКнинг реакция аралашмадаги концентрациясини унинг полимерланиш кинетикасига таъсири келтирилган.



4-расм. AA-N-ЛК конверсиясининг реакция давомийлиги (а) ва мономернинг полимерланиш тезлигини унинг концентрациясига боғлиқлиги (б). 1,2,3,4-мономер концентрацияси мутаносиб ҳолда 0,23, 0,38, 0,54, 0,69 моль/л. $[I]=6 \times 10^{-3}$ моль/л, $T=333K$.

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, реакция аралашмада AA-N-ЛКнинг концентрацияси кўпайиши билан унинг полимерланиш тезлиги ҳам ортиб бормоқда. AA-N-ЛК концентрациясининг полимерланиш тезлигига логарифмик боғлиқлик графиги асосида жараённинг мономер бўйича реакция тартиби $1,5 \pm 0,05$ га тенг эканлиги аниқланди. Худди шундай натижалар AA-N-МЛКнинг полимерланиш кинетикасини ўрганишда ҳам олинди. AA-N-МЛК ва AA-N-ЛКнинг радикал полимерланишида мономер бўйича реакция тартибининг назарий бир қийматидан юқори эканлигини уларнинг реакция аралашмада карбон кислоталарга хос ассоциацияланган ҳолатда эканлиги билан тушунтириш мумкин. Тадқиқотлар натижасида мономерлар радикал полимерланиш тезлигининг умумий тенгламалари келтириб чиқарилиб, улар бир хил кўринишга эга эканлиги аниқланди:

$$V_n = K_m \cdot [I]^{0,5} \times [M]^{1,5}$$

AA-N-МЛК ва AA-N-ЛК радикал полимерланиши турли ҳароратларда ҳам ўрганилиб, жараённинг баъзи бир кинетик ва термодинамик параметрлари қийматлари аниқланди (1- ва 2-жадваллар).

1-жадвал

AA-N-ЛКнинг сувли эритмаларда радикал полимерланишининг баъзи бир кинетик параметрлари қийматлари ($[M]=0,38$ моль/л, $[I]=6 \cdot 10^{-3}$ моль/л.)

T, K	$V \cdot 10^6$, моль/лс	$K_m \cdot 10^4$	E, кЖ/моль	$(E_p - 1/2 E_o)$, кЖ/моль
323	2,34	1,3	86,6	22,6
333	6,50	3,6		
343	17,10	9,5		

Келтирилган маълумотлардан AA-N-ЛКнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш тезлиги AA-N-МЛКга нисбатан юқорироқ эканлиги кўриниб турибди. Ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаш учун мономерлар атомларининг эффектив зарядлари HyperChem 8 программаси ёрдамида РМЗ ярим эмпирик методи билан ҳисобланди. Ҳисоблаш натижалари AA-N-ЛК таркибидаги


кўшбоғнинг барқорорлиги АА-N-МЛКни кига нисбатан юқорироқ эканлигини кўрсатди, бу эса унинг реакция қобилияти пастроқ бўлишига сабаб бўлади.

2-жадвал


АА-N-МЛКнинг сувли эритмаларда радикал полимерланишининг баъзи бир кинетик параметрлари қийматлари. ($[M]=0,38$ моль/л, $[I]=6 \cdot 10^{-3}$ моль/л.)

Т, К	$V \cdot 10^6$, моль/лс	$K_m \cdot 10^4$	E , кЖ/моль	$(E_p - 1/2 E_o)$, кЖ/моль
323	1,04	0,6	94,9	30,9
333	3,20	1,8		
343	9,91	5,5		

АА-N-МЛК ва АА-N-ЛК таркибларида бир нечтадан карбоксил гуруҳлар мавжуд бўлгани учун ҳам, шубҳасиз, уларнинг радикал полимерланиш тезлигига эритмада ушбу гуруҳларининг ионланиш ҳолатини ўзгартирувчи турли омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, мономерларнинг полимерланиш кинетикасига сувли эритманинг рН қиймати ва ион кучи таъсири ўрганилди.



5-расм. АА-N-МЛК (1) ва АА-N-МЛК (2) радикал полимерланиш тезлигининг эритма рН қийматига боғлиқлиги



6-расм. АА-N-МЛК (1) ва АА-N-МЛК (2) радикал полимерланиш тезлигининг эритма ион кучига боғлиқлиги


Натижада ҳар икки мономер учун ҳам полимерланиш тезлигини реакция аралашма рН қийматига боғлиқлик эгри чизиқлари экстремал характерга эга бўлиб (5-расм), ушбу эгриларнинг минимум қийматлари нейтрал муҳитларга тўғри келиши аниқланди, ушбу ҳолат В.А.Кабановнинг “ион жуфтликлар” назарияси билан тушунтирилди. Реакция эритмага қуйимолекуляр ионлар киритилиши билан мономерларнинг полимерланиш тезлигининг ортиши (6-расм) сабаби эса, уларнинг ўсаётган макромолекула ва мономер молекуласининг манфий зарядланган карбоксил гуруҳлари орасидаги ўзаро электростатик итариш кучларининг экранилаши билан тушунтирилди.

Шунингдек, чокловчи восита (ЧВ) иштирокида АА-N-МЛК ва АА-N-МЛКни полимерлаш оркали полимер гидрогеллар ҳам синтез қилинди. Бунда ЧВ сифатида N, N-метилен-бис-акриламиддан (МБАА) фойдаланилди. Ҳосил бўлаётган гидрогелларнинг бўкиш даражасига унинг таркибидаги МБАА концентрацияси, реакция давомийлиги ва ванна модулининг таъсири

ўрганилди. Гидрогеллар таркибида ЧВ масса улуши ортиши уларнинг бўкиш даражасининг кескин камайишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, гел таркибидаги ЧВ миқдори ортиши билан макромолекулалар орасидаги чоклар миқдори ҳам ортиб боради, бу эса ўз навбатида гелнинг сувда бўкиш даражасининг камайишига сабаб бўлади. Реакцион аралашма таркибидаги ЧВ миқдорининг ортиши билан нафақат полимерларнинг ҳосил бўлиш унуми, шунингдек, унинг таркибидаги гелъ фракциялар унуми ҳам ортади. Реакция давомийлигининг ортиши полимерларнинг ҳосил бўлиш унуми, ундаги гелъ фракциянинг миқдори ва уларнинг бўкиш даражасининг ошишига олиб келади. Гидрогеллар синтезида ванна модули, яъни эритувчи ҳажмининг мономерлар ҳажмига бўлган нисбатини ортиб бориши билан ҳосил бўлаётган гидрогелларнинг бўкиш даражаси ҳам ошиб бориши аниқланди. Гидрогелларнинг бўкиш даражасининг энг юқори кўрсаткичи ванна модули 10 га тенг бўлганда кузатилди.

Диссертациянинг «**Олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш**» номли учинчи бобида АА-N-МЛК ва АА-N-ЛК асосида синтез қилинган чизикли ва чокланган тузилишга эга полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинган.

Ушбу бобда чизикли тузилишга эга ПАА-N-МЛК ва ПАА-N-ЛК сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари ва ионланиши тадқиқ қилинган. Хусусан, ушбу полимерлар эритмаларининг вискозиметрия усули билан қовушқоқлиги ўрганилганда, уларнинг сувли эритмаларининг келтирилган қовушқоқлигини концентрацияга боғлиқлик графигидаги эгрилари полиэлектролит эритмалари учун хос кўринишга эга эканлиги аниқланган. Полимер эритмасига маълум концентрацияли қуйимолекуляр тузнинг (КСІ) киритилиши эса ушбу боғлиқликдаги эгриларнинг тўғриланишига олиб келади, бу эса полимер эритмасининг характеристик қовушқоқлигини аниқлаш имконини беради. Синтез қилинган полимерларнинг молекуляр массаларини (М) аниқлаш учун уларни эритмадан бўлиб чўктириш усули билан фракцияларга ажратилди. Натижада ҳар бир полимернинг бештадан фракцияси олинди. Олинган фракцияларнинг масса улуши, 0,5Н КСІ эритмасидаги характеристик қовушқоқликлари $[\eta]$ ва тезланишли ультрацентрифугалаш усули билан седиментация константалари (S_0) топилди. Олинган натижалар асосида Флори-Манделькерн тенгламаси ёрдамида полимер фракцияларининг молекуляр массаларини ҳисоблаб топилди. Полимер фракцияларининг S_0 , ва $[\eta]$ кийматларининг уларнинг молекуляр массаси логарифмик қийматларига боғлиқликлари тўғри чизикли кўринишга эга эканлиги аниқланди (7-расм).



7-расм. ПAA-N-МЛК фракцияларининг $\lg[\eta]$ ва $\lg S_0$ қийматларини $\lg M$ қийматиға боғлиқлиги

Полимерларнинг 0,5Н КСІ сувли эритмаларида $[\eta]$ ва S_0 қийматларини аниқлаш орқали уларнинг молекуляр массаларини ҳисоблаб топиш тенгламалари келтириб чиқарилди:

$$\text{ПAA-N-ЛК учун: } [\eta] = 4,57 \cdot 10^{-3} \cdot M^{0,63}, S_0 = 1,82 \cdot 10^{-15} \cdot M^{0,43}$$

$$\text{ПAA-N-МЛК учун: } [\eta] = 1,23 \cdot 10^{-3} \cdot M^{0,56}, S_0 = 1,36 \cdot 10^{-15} \cdot M^{0,48}$$

Полимер эритмаларининг сувли эритмаларини потенциометрик титрлаш натижаларини Гендерсон-Хасселбах тенгламаси ёрдамида қайта ишлаш орқали ПAA-N-МЛК ва ПAA-N-ЛК учун pK_0 қийматлари ҳисоблаб топилиб, улар мос равишда 3,6 ва 3,7 га тенглиги аниқланди. Ушбу тенгламадан фойдаланиш, шунингдек полимерларни ионланишига таъсир қилувчи электростатик, конформацион ва бошқа эффектларнинг қийматлари ҳисоблаб топилди, улар 3-жадвалда келтирилган.



3-жадвал

Полимерларнинг ионланиш энергиялари қийматлари

Полимер	$\Delta G_{\text{эл}}$, Ж/моль	$\Delta G_{\text{хар}}$, Ж/моль	ΔG_{α} , Ж/моль
ПAA-N-МЛК	700	11825	12525
ПAA-N-ЛК	665	12382	13249

Тадқиқотлар ПAA-N-МЛК ва ПAA-N-ЛКнинг сувли эритмада ионланишига конформацион эффектлар таъсири йўқ эканлигини кўрсатди.


ПAA-N-МЛК ва ПAA-N-ЛК асосида олинган чокланган тузилишга эга гидрогелларнинг сувли эритмаларда бўқиш кинетикаси тадқиқ қилинди. Гидрогелларнинг бўқиш даражасига уларнинг таркибидаги ЧВ концентрацияси таъсири 8-расмда келтирилган.




8-расм. ПAA-N-ЛК ва ПAA-N-МЛК асосидаги гидрогелларнинг сувли эритмаларда бўқиш кинетикаси. 1, 2, 3, 4-гидрогеллардаги ЧВ миқдори мос равишда 1; 2; 3; 5 масса %; T=295K.

8-расмдан кўриниб турибдики, гидрогелларнинг бўқиш даражаси уларнинг таркибидаги ЧВ концентрацияси ортиши билан камайиб бормоқда. Гидрогелларнинг бўқиш кинетикасини ўрганиш натижалари асосида уларнинг бўқиш константалари қийматлари ҳам ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар таҳлили гидрогел таркибида ЧВ миқдорининг ортиши уларнинг бўқиш тезлиги камайишига олиб келишини кўрсатди.

Карбоксил функционал гуруҳлар тутган гидрогелларнинг бўқиш даражаси эритма рН қиймати ва ион кучи ўзгаришига жуда сезгир бўлади, шунинг учун гидрогелларнинг бўқиш даражасига уларнинг таъсири ўрганилди (9-10-расм).



9-расм. ПAA-N-ЛК (1) ва ПAA-N-МЛК (2) асосидаги гидрогелининг бўқиш даражасининг эритма рН қийматига боғлиқлиги




10-расм. ПAA-N-ЛК (1) ва ПAA-N-МЛК (2) асосидаги гидрогелининг бўқиш даражасининг ион кучига боғлиқлиги

9-расмдан кўриниб турибдики, эритма рН қийматининг камайиши гидрогелларнинг бўқиш даражасининг камайишига олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, эритма рН қийматининг камайиши билан гидрогел таркибидаги карбоксил гуруҳларининг ионланиш даражаси ҳам камаяди, натижада бир хил зарядланган карбоксил ионларининг ўзаро итарилиш кучи камайиб, бу ўз навбатида гидрогелнинг бўқиш даражасининг ҳам камайишига

олиб келади. Ишқорий шароитда эса ушбу ҳодисанинг акси кузатилади. 10-расмдан кўришиб турибдики, эритма ион кучининг ортиши билан гелларнинг бўкиш даражаси ҳам шунчалик камайиб боради. Бу ҳолатни макромолекуладаги бир хил зарядланган гуруҳларнинг қуйимолекуляр ионлар томонидан экранланиши билан тушунтириш мумкин.

ПАА-N-МЛК ва ПАА-N-ЛК асосида синтез қилинган гидрогелларнинг бўкиш даражасига ҳароратнинг таъсири ўрганилганда, эритма ҳароратининг ортиши уларнинг сувли эритмаларда бўкиш даражасининг ортишига олиб келиши аниқланди. Олинган натижалар 11-расмда келтирилган.



11-расм. ПАА-N-ЛК (1) ва ПАА-N-МЛК (2) асосидаги гидрогелининг бўкиш даражасининг эритма ҳароратига боғлиқлиги. ЧВ миқдори гидрогел курук массасининг 1% ташкил қилади.


Демак, олинган натижалар асосида ишда синтез қилинган гелларнинг бўкиш даражаси нафақат эритма рН қийматларига, шунингдек, ҳарорат ўзгаришига ҳам боғлиқ деган хулоса қилиш мумкин. Бундай полимерлар ҳам рН-, ҳам ҳарорат сезгир хоссага эга бўлган стимул-сезгир полимерлар ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Лимон кислота асосида олинган полимер гидрогелларнинг сорбцион хоссалари**» номли тўртинчи бобида ПАА-N-ЛК асосидаги гидрогелларнинг статик шароитларда сувли эритмалардан органик бўёқ моддалари ҳамда мис (II) ионларини сорбция қилиш қобилияти ўрганилган.

Гидрогелларни эритмалардан органик моддаларни сорбциясини ўрганиш учун модел бирикмалар сифатида бриллиант яшили (БЯ) ва метилен кўки (МК) танлаб олинди. Чунки ушбу моддалар нафақат бўёқ моддалар, шунингдек, антисептик хусусиятга эга тиббий воситалар ҳам ҳисобланиб, гидрогелларга дори воситаларни пролонгацияланишини ўрганиш учун модел бирикмалар бўлиб хизмат қилиши мумкин. БЯ, одатда, оксалатли туз (тетраэтил-4, 4-диаминотрифенилметана оксалат) кўринишида тиббиётда кенг ишлатилади, шунинг учун ҳам ишда модданинг ушбу туздан фойдаланилди. МК эритмалари тайёрлашда ҳам унинг туз шаклидан (N,N,N',N'-тетраметилтионин хлорид тригидрат) фойдаланилди. Сорбция жараёнида БЯ ва МКнинг эритмадаги концентрацияларининг ўзгариши UV-5100 спектрофотометри ёрдамида спектрофотометрик усулда аниқланди. Бунинг учун аввал БЯ ва МКнинг оптик спектрлари олиниб, уларнинг мос равишда

590 нм ва 665 нм тўлқин узунликларида максимум нур ютиш қобилиятига эга эканлиги аниқланди. Бўёқ моддаларнинг максимал тўлқин узунликларидаги оптик зичликларини, уларнинг эритмадаги концентрацияга боғлиқлик графиклари асосида моддаларнинг эритмадаги концентрация ўзгаришлари аниқланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ПАА-N-ЛК асосидаги гидрогелларнинг бўёқ моддаларини сорбция қилиш қобилияти модданинг эритмадаги концентрацияси ортиши билан ортиб боради (12-расм).



12-расм. ПАА-N-ЛК асосидаги гидрогелларни эритмадан БЯ (а) ва МК (б) сорбция қилиш кинетик эгри чизиқлари. 1,2,3,4-эритмадаги БЯ ва МК нинг концентрациялари мос равишда 20; 40; 60; 100 мг/л. Ҳарорат 303К.

12-расмдан кўриниб турибдики, адсорбция жараёнида мувозанат 4 соат атрофида қарор топади. Жараён ўз-ўзича боради. Бўёқ моддаларининг сорбция жараёни турли ҳароратларда ҳам ўрганилди. Олинган натижалар Ленгмюр ва Фрейндлих моделлари асосида қайта ишланди, ҳисоблаб топилган параметрлар қийматлари эса 4- ва 5-жадвалларда келтирилган.

4-жадвал

Бриллиант яшилини сувли эритмадан ПАА-N-ЛК асосидаги геллар томонидан сорбциясида Ленгмюр ва Фрейндлих изотермалари константалари қийматлари

Т, К	Ленгмюр изотермаси				Фрейндлих изотермаси		
	Г, мг/г	К, л/мг	R_L	R^2	K_f	1/n	R^2
283	80,10	0,0194	0,34	0,9782	2.35	0,75	0,9446
293	95,20	0,0201	0,32	0,9888	2.52	0,80	0,9615
303	125,41	0,0218	0,31	0,9783	3.09	0,83	0,9769

5-жадвал

Метилен кўкини сувли эритмадан ПАА-N-ЛК асосидаги геллар томонидан сорбциясида Ленгмюр ва Фрейндлих изотермалари константалари қийматлари

Т, К	Ленгмюр изотермаси				Фрейндлих изотермаси		
	Г, мг/г	К, л/мг	R_L	R^2	K_f	1/n	R^2
283	62,50	0,030	0,250	0,9951	3,58	0,63	0,9876
293	71,42	0,042	0,125	0,9974	4,24	0,69	0,9775
303	90,90	0,051	0,167	0,9913	5,26	0,71	0,9671

Сорбция жараёни учун энг яхши изотермик модель корреляция коэффициентларини, яъни R^2 қийматларини баҳолаш орқали танлаб олинди. Жадваллардан кўриниб турибдики, Ленгмюр модели бўйича ҳисобланган R^2 қийматлари барча ҳолатларда Фрейндлих моделига нисбатан юқорироқ қийматларга эга. Бу адсорбент юзаси бўёқ модда моноқатлами билан қопланган деб тахмин қилишга асос бўлади. Иккала модел бўйича ҳисобланган Γ_∞ ва K_F қийматлари ҳарорат ортиши билан катталашиб бораётгани кўриниб турибди. Бу адсорбция ҳарорат ортиши билан ортаётганини, яъни ушбу жараён хемосорбция механизми билан боради. Ишда, шунингдек, бўёқ моддаларини гидрогелга ютилиш жараёнининг баъзи бир термодинамик функциялари ҳисоблаб топилди, олинган натижалар 6- ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Бриллиант яшилини сувли эритмадан ПАА-N-ЛК асосидаги геллар томонидан сорбцияси жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	Γ_∞ , мг/г	lnK	ΔG , Ж/моль	ΔH , Ж/моль	ΔS , Ж/моль·К
283	80,1	0,65	-1468,63	2100	12,61
293	95,23	0,65	-1656,26		12,82
303	125,4	1.02	-2569,52		15,41

7-жадвал

Метилен кўкини сувли эритмадан ПАА-N-ЛК асосидаги геллар томонидан сорбцияси жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	Γ_∞ , мг/г	lnK	ΔG , Ж/моль	ΔH , Ж/моль	ΔS , Ж/моль·К
283	62,5	0,71	-1645,88	3833,33	19,36
293	71,4	1,15	-3163,84		23,88
303	90,9	1.40	-3526,79		24,29

Жадваллардан кўриниб турибдики, бўёқ моддаларнинг гидрогелларга сорбция жараёни эркин энергияни манфий қийматда ўзгариши билан ўз-ўзидан боради. ΔH ни мусбат қийматлари шунини кўрсатадики, адсорбция жараёни эндотермик характерга эга, ΔS мусбат қиймати қаттиқ фаза/эритма фазалар чегарасида адсорбция жараёнида хаотикликнинг ортаганлигини кўрсатади, бу гидрогелдан адсорбирланган сув молекулаларининг йўқолиши билан боғлиқ.

ПАА-N-ЛК асосидаги гидрогелларни металл ионларини сувли эритмалардан адсорбция қилиши қобилятини ўрганиш мақсадида ишда $Cu(II)$ ионларини сорбцияси ўрганилди. Сорбция жараёнини эритмадаги металл иони концентрациясига боғлиқлиги ҳамда ҳароратнинг жараёнга таъсири аниқланди. Олинган натижалар Ленгмюр модели ёрдамида қайта ишланди. 8-жадвалда гелларнинг эритмадан $Cu(II)$ ионлари сорбциясини ўрганишда олинган натижалар келтирилган.

Эритмадан мис (II) ионларини ПAA-N-ЛК асосидаги гидрогеллар томонидан сорбцияси жараёнида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	Γ_{∞} , ммоль/г	K, л/ммоль	ΔG , Ж/ммоль	ΔH , Ж/ммоль	ΔS , Ж/ммоль·K
293	31,87	3,70	-3185,56	-14989	62,06
303	44,65	9,17	-5579,57		67,91
313	53,36	16,60	-7307,34		71,26

Жадвалдан кўришиб турибдики, Cu(II) ионлари сорбцияси ўз-ўзидан эркин энергияни, энтальпия ва энтропияларнинг манфий ўзгариши билан боради. Энтропиянинг манфий ўзгариши системани эритмадаги компонентларнинг камайиши ҳисобига тартиблашганини кўрсатади.

Бешинчи боб «Полимерлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услублари» деб номланиб, унда қўлланилган реактивларнинг тавсифи, мономерлар, полимерлар ва гидрогелларни синтез қилиш усуллари, олинган полимерларнинг хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган тадқиқот услублари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Лимон кислотаси асосида янги мономерлар -акриламидо-N-метилен-лимон ва акриламидо-N-лимон кислоталари синтез қилиниб, улар асосида сувда эрийдиган ва бўкадиган реакция қобилиятли полимерлар олиш усуллари таклиф этилган.

2. Синтез қилинган мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикаси ўрганилиб, жараёнлар тезлигининг умумий тенгламалари келтириб чиқарилган.

3. Синтез қилинган полимерларнинг ионланиш константалари, ионланишига таъсир қилувчи электростатик ва конформацион энергиялари қийматлари аниқланди ва полимерларнинг 0,5N KCl сувли эритмаларида $[\eta]$ ва S_0 қийматларини аниқлаш орқали уларнинг молекуляр массаларини ҳисоблаб топиш тенгламалари келтириб чиқарилган.

4. Акриламидо-N-метилен-лимон ва акриламидо-N-лимон кислоталари асосида чокланган тузилишли гидрогелларнинг бўқиш даражасига, уларнинг синтез шароитлари таъсири аниқланди ва гидрогелларнинг сувли эритмаларда бўқиши ўрганилиб, улар стимул-сезгир хоссали полимерлар сифатида тавсия этилган.

5. Гидрогелларнинг сувли эритмалардан органик ва ноорганик моддаларни сорбция қилиш қобилияти ўрганилиб, улардан гел кўринишидаги сорбентлар сифатида фойдаланишга тавсия қилинган.

6. Полиакриламидо-N-метилен лимон кислотасини сақлаш, ундан фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичларининг техникавий шартлари ишлаб чиқилди, полимер гидрогеллар техник оқава сувлардаги Cu(II) ионларини ажратиб олиш учун тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.К.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ГУЛЯМОВА ПРОДА БОТИРЖОНОВНА

**СИНТЕЗ АКРИЛОВЫХ ПОЛИМЕРОВ НА ОСНОВЕ ЛИМОННОЙ
КИСЛОТЫ И ИХ СВОЙСТВА**

02. 00. 06 - Высокмолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4. PhD/К54.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Махкамов Музаффар Абдугаппарович
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Каримов Махмуд Муратович
доктор химических наук

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.К.82.02 по присуждению учёных степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11 (зарегистрирована за № _____).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.

(реестр протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

О.Э.Зиядуллаев

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., доцент

Г.К.Отамухамедова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н. по химии (PhD)

А.С.Рафиков

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире для решения различных практических задач с большим успехом применяются функциональные полимеры. Поэтому повышается внимание на исследования по синтезу новых функциональных гидрофильных полимеров и определению их физико-химических свойств. Эти полимеры успешно используются в медицине, фармакологии, биотехнологии, сельском хозяйстве, текстильной промышленности, защите окружающей среды. Функциональные полимеры имеют большие перспективы в создании стимул-чувствительных систем, области биотехнологии и нанотехнологии, они имеют особое значение в иммобилизации биологически активных веществ и создании терапевтических систем с пролонгированным действием.

В мире значительное внимание уделяется регулированию процесса полимеризации мономеров, содержащих карбоксильные группы, по направленному улучшению физико-химических свойств полученных полимеров, углубленному изучению их взаимодействия с органическими и неорганическими соединениями, получению макромолекулярных терапевтических систем на их основе, созданию полимерных гидрогелей, полимерных композиций, содержащие наночастицы металлов и обладающие каталитическими свойствами, и стимул-чувствительных систем.

В нашей стране уделяется особое внимание решению проблем по созданию новых видов функциональных полимерных материалов на основе местного сырья и внедрению их в практику взамен импортируемой продукции, достигнуты определенные результаты в создании различных ионитов, лекарственных препаратов, гидро- и криогелей и других материалов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечению на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках». В связи с этим большое значение имеет получение новых водорастворимых и набухающих, перспективных функциональных карбоксилсодержащих полимеров, определение их свойств и сфер применения, а также их внедрения в практику в различных областях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 – 2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология» от 6 ноября 2020 года №ПП-4884 «О дополнительных мерах по

